



ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-йил, 1-январ. Seshanba • 1 (31.591) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз юртдошларим!

Қадри дўстлар! Янги йилга санокли дақиқалар қолган мана шу шуқуҳли дамларда юртимизга қўтлуғ қадамлар билан кириб келаётган 2013 йил билан сиз, азизларни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириш, самимий тилақларимни изҳор этиш мен учун катта шараф, катта бахтдир.

Ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган воқеаларни, амалга оширган ишларимизни баҳолаётган эканмиз, ўз поёнига етаётган 2012 йилни шукроналик туйғуси билан, мамнуният билан кузатишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бунинг исботини авваламбор Ватанимизнинг олдида турган буюк мақсад ва мудоаларга эришиш, замонавий, эркин ва мустақил давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга ошираётган улкан ишларимизда, иқтисодиётимизнинг барқарор суруятлар билан ўсишида, аҳолиимизнинг яшаш даражаси ва сифати юксалишида, юртимизнинг қиёфаси тобора чирой ошаётганида, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-этибори ва ўрни кучайиб бораётганида кўришимиз, англашимиз қийин эмас.

Шу борада бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда бутун дунё тан олаётган юксак марраларга эришишида, бир сўз билан айтганда, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда аввало шу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси борлигини, бу ютқуларнинг барчасига халқимизнинг кундалик оғир ва машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бир ёқадан бош чиқариб, ягона оила бўлиб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, ўзаро ҳурмат ва меҳроқибатни кўз қорачигидек асраб яшаётганимиз мустаҳкам замин бўлаётганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Мамлакатимизнинг тараққиёт суруятларини, ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгариш ва янгиланишларнинг миқёси ва кўламини ўзимизга тасаввур қилиш учун биринчи навбатда қўйидаги рақам ва кўрсаткичларга эътибор беришимизни ўринли, деб биламан.

2012 йилда жаҳон миқёсида молиявий ва иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда, кўпчилик мамлакатларда ўсиш ўрнига пасайиш ҳолатлари юз бераётганига, жиддий ижтимоий муаммолар ва ён-атрофимизда кескинлик, турли қарама-қаршилик кучайиб бораётганига қарама-қарши, Ўзбекистонимизда иқтисодиётимиз барқарор суруятлар билан ривожланиб, бу борадаги кўрсаткич 8,2 фоизни, охириги уч йил якуни билан 27,7 фоизни ташкил этганининг ўзи ортиқча таърифлашга ва изохлашга ўрин қолдирмайди.

Ўтаётган йилда давлат бюджети умумий харажатларининг 59 фоизи айнан социал соҳаларга, яъни аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Ҳаётимизда жорий йилнинг ўзида аҳолиимизнинг реал, яъни амалдаги даромадларининг ўртача 17,5 фоизга ошгани, давлат бюджетидан оилавий оладиган ходимларнинг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдори ўртача 26,5 фоизга ўсганини қайд этиш зарур.

Даромадлар ошиши билан аҳолиимизнинг банкларда сақланаётган омонатлари ҳажми ўтаётган йилда 34,6 фоизга, охириги уч йилда эса 2,4 каррага кўпайгани ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётганининг яққол кўрсаткичи, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Ўз якунига етаётган йилда мамлакатимиз миқёсида 9,3 миллион квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 7,2 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилганининг ўзи ҳам шундай ху-

лоса чиқаришга асос бўлиши муқаррар. Ҳаётимизни тубдан ўзгартираётган бундай мисолларни мамлакатимизнинг турли соҳа ва жабҳаларидан яна кўплаб олиб келиш мумкин.

Ўзбекистон қўлга киритаётган бундай марраларнинг мустаҳкам замини одамларимизнинг, аввало ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, гражданлик позицияси тобора кучайиб бораётганида, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Буларнинг барчаси шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзининг, оиласининг тақдирини биз учун ягона Ватан бўлмиш Ўзбекистон тақдирини билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кўраётганидан далolat беради. Ва ҳаётга бундай ёндашиш эртанги кунимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бормоқда.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимизда юз бераётган ана шундай ўзгариш ва янгиланишларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш сиз, азиз юртдошларимизга мамлакатимизнинг тараққиёти, уни дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек эзгу мақсадларимизни амалга ошириш йўлидаги муносиб хизматларингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун, мана шу мунаввар дақиқаларда янги йилга пок ва қўтлуғ ниятлар билан қадам қўяётган эканмиз, Оллоҳдан аввало ўз марҳамати ва назарини аямасдан, бебаҳо неъмат бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, аҳиллик ва бағрикенгликни, қўт-баракани янада зиёда қилишни, бундан буён ҳам доимо йўлимизни очиб беришини сўраймиш.

Биз кириб келаётган янги — 2013 йилга мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб ном бердик. Бунинг замирида халқимиз, Ватанимиз истиқболлини, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар қайси оиланинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон этишга қаратилган амалий инициативаларимиз мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши аён.

Янги йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суруятларини 8,0 фоиздан кам бўлмаган даражага кўтариш, унинг рақобатдошлигини кучайтириш, модернизация ва диверсификация қилиш, мулкдорлар кафолатини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг виждони бўлмиш маҳалла ваколатларини янада кенгайтириш бўйича бошланган ишларимизни, ҳеч шубҳасиз, изчил давом эттирамиз.

Шу борада аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, жумладан, иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 23 фоиздан кўпроқ оширилиши кўзда тутилмоқда.

Янги йилга мўлжалланган бундай дастур ва режаларимизнинг барчаси 2013 йилнинг ўтиб бораётган эски йилдан асло кам бўлмаслигига, ҳаётимизнинг ҳар томонлама фойзли ва баракали, сермазмун бўлишига хизмат қилади, иншоолло.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим! Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2013 йил билан яна бир бор табриклайман.

Мана шу гўзал айёмда қалбим тўрида бўлган энг эзгу, энг олижаноб тилақларимни сиз азизларимга изҳор этмоқчиман:

Янги йил ҳар бир инсон, ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахту саодат ва омад олиб келсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Яратганимиз эл-юртимизни ўз паноҳида сақласин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ШОДИЁНАЛАРИ

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТАНТАНАЛАРИНИ БОЛАЛАР ОРЗИҚИБ КУТАДИ. УЛАРГА БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ, АРЧА АТРОФИДАГИ ҚИЗИҚАРЛИ ТОМОШАЛАР, ТУРЛИ СОВҒАЛАРУ УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАРНИ ҲАДЯ ЭТУВЧИ БУ ТАДБИР ДАВОМИДА ҚИШНИНГ АЁЗЛИ ҲАРОРАТИГА АЖИБ БИР ИЛИҚЛИК ИНАДИ.



Ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгариш ва янгиланишларнинг миқёси ва кўламини ўзимизга тасаввур қилиш учун биринчи навбатда қўйидаги рақам ва кўрсаткичларга эътибор беришимизни ўринли, деб биламан.

(Давоми 2-бетда.)

Ушбу хайрли анъанага кўра, 29 декабрь куни «Туркистон» саройида «Президент арчаси» тантаналари бошланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари таклиф этилди.

Навқирон авлодга алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатиш, уларни ҳеч қимдан кам қилмай вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу жараёнда имконияти чекланган, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, қизиқиши ва интилиши бўйича касб-хунар эгаллаши учун шарт-шароит яратиш, жамиятга интегра-

Байрам тадбири

БОЛАЖОНЛАРНИНГ ШЎХ ВА ШОДОН КУЛГУСИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ШАҲАР, ТУМАН ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА ЯНГИ ЙИЛ КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА НИШОНЛАНМОҚДА. ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БОШ МАЙДОНИ ХИСОБЛАНГАН МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА ҲАМ БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.



Сенжар ШОТУЛАТАНОВ олган сурат.

(Давоми 2-бетда.)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги, 2013 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллаганлар.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўлладилар:

Испания Қироли	Хуан Карлос I
Корея Республикаси Президенти	Ли Мён Бак
Туркия Республикаси Президенти	Абдуллоҳ Гул
Украина Президенти	Виктор Янукович
Озарбойжон Республикаси Президенти	Илҳом Алиев
Қирғиз Республикаси Президенти	Алмазбек Атамбаев
Арманистон Республикаси Президенти	Серж Саргсян
Корея Республикаси Давлат бошқаруви ва ҳавфсизлик вазири	Менг Хён Гу
Япония Парламенти Маслаҳатчилар палатаси аъзоси	Кёко Накаяма
Кореянинг «Шиндонг Ресорсиз» компанияси президенти	Ким Ёнг Гу

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

ОЗОД ЮРТ ШУКУҲИ

ЯҚИНДА МАТБУОТДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИЗ-НЕС УЧУН ҚУЛАЙ ЭНГ ИСТИҚБОЛЛИ 20 ДАВЛАТ ҚАТОРИГА ҚўШИЛГАНИ ҲАҚИДАҒИ ХАБАРНИ ЎҚИБ ҚОЛДИМ. БУЮК БРИТАНИЯНИНГ MARLESCROFT КОНСАЛТИНГ КОМПАНИЯСИНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ДУНЁДАГИ ҚУЛАЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГИ ҲАҚИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛТИРИЛГАН УШБУ ХАБАР КўНГЛИМНИ ҒУРУР ВА ФАХР ТУЙҒУЛАРИГА ТўЛДИРДИ.

Хориж сармоясини одатда мўтадил ривожланаётган, ўз келажагига ишонган ва дунёни ҳам ишонтирган мамлакатга киритилади. Сиёсати беқарор, иқтисодий омонат давлатга ким ҳам ўз маблағини олиб киради?

Мураккаб ҳаёт сўқмоқларида турғи йўлни танлай олган, муаммолар олдида ўзини йўқотмайдиган, хотиржам ва вазмин фикрли одамнинг кўнглида нур, турмушда файз бўлади. Мамлакат ҳам шунга қийс. Эртанги кундан кўнгли тўқ ва яхши орзу-ниятлар ила обод бўлган халқ улкан бунёдкорлик ишларига дадил бел боғлайди.

Ободлик кўнглидан бошланади, дея бежиз айтилмаган. Мен ўтган йилнинг ёзида Андижонда «Ободлик кўнглидан бошланади!» шиори остида ўтказилган ажойиб тадбирда иштирок этганим. Бу тантанали тадбир шаҳардаги янги «Ўзбекистон» шўхчасининг очилишига бағишланган. Тадбирга пойтахтдан кўплаб меҳмонлар таклиф этилган бўлиб, улар орасида элга машҳур санъаткорларни, таниқли

Асақадан кечагина чиққан турли русумдаги машиналар кутиб турарди. Улар турфа гуллар ва ипак ленталар билан ясалган эди. Бу янги машиналарга ўтириб, ўшанда бутун шаҳарни айланган эдик...

Мен ҳар қанча завққа, ҳаяжонга мойил одам бўлмай, бу кўчанинг зарофати, ободлиги ва файзи мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳали-бери амалга ошмайдиган иш деб ўйлаганим рост. Ахир, кўча бетидаги уйлар реклама суратларидагидек чиройли эди-да! Лекин не кўз билан кўрайки, орадан ярим йил ҳам ўтмай, бу манзарага Наманганда рўбарў бўлдим!

Бъязан телеэкран қаршида ўтириб, бундай эжиб гўзалликни, файзиёбликни бошқа шаҳарларимизда ҳам кўриб, энтиқиб кетаман. Шунда бир гап кўнглимдан кечади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳамма ерда собиқ тузум нуқси — ғариблик ва яқрамли акс этиб турган бир даврда муҳтарам Юртбошимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» шиорини ўртага ташлаганида ҳамма ҳам бу гапга юз фоиз ишонган, деб айтолмайман. Ҳатто бу даврда қирғизларнинг шиббатан кўшини мамлакатлардан истеҳзо-ю истиғноли гаплар ҳам қулоққа чалинганди.

Ҳаёт эса Истиклол ўзанида шиддат билан давом этади. Янги турмуш ўз байрамларини яраш бошлади. Халқимиз руҳидаги бунёдкорликка, яратилган бўлган ташналикни ҳис этиб, буюк келажагимиз борасидаги даъват нақадар ҳаётлигига

Мирпўлат МИРЗО, шoir, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

муҳим вазифамиз бўлиб қолсин

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ҳаётимизда ўз изини қолдиради. Шу боис ҳам кечаётган онларимизни мазмунли ўтказиш ва уни эзгу ишларга сарф этишга ҳаракат қиламиз. Жамиятга наф келтириш, тараққиётга ҳисса қўшиш, энг муҳими, атрофдагиларни эзгу мақсад йўлида жипслаштириш сиёсий партияларнинг асосий вазифаларидан саналади.

мавуларнинг долзарблиги, бугунги кун учун қанчалик муҳим аҳамият касб этишига боғлиқ. Шу боис сиёсий ўқувларда биринчи навбатда электротар вакиллари кизиқтираётган, ўйлантираётган масалаларни муҳокама этишни режалаштирдик. Бундан маҳаллий партия кенгашларидаги Ахборот-ресурс марказлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тарғибот гуруҳлари билан иш олиб бориш ҳамда маҳаллий партия ташкилотларини кўргазмалар воситалари билан таъминлаш муҳимдир. Ўйлаш мизки, жорий йилда ўтказилган аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билим ва фаоллигини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб яшаш, халқ фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилиш туйғуси ҳеч биримизни тарк этмасин!

Абдурахмон УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзХДП Наманган вилояти кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнлари фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигининг охиби бориши билан бевосита боғлиқдир. Эътиборли жиҳати шундаки, бугун фуқаролик бурчи ва масъулияти, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга теран назар билан қараш, туб ислохотлар, ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси одамлар қалби ва онгида кенг ўрин эгалламоқда.

Янги йилда биз партия аъзолари ва электротар вакиллари сиёсий, ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилдиган тадбирларни кўпроқ уюштиришимиз зарур.

Айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда ўтказилаётган

ЭЗГУ МАҚСАД ВА ҒОЯЛАР

ҳаммамизга куч-қувват бағишлайди, катта масъулият оқлайди

2012 йил юртимиз, халқимиз учун муваффақиятларга бой бўлди. Мамлакатимиз тараққиёти янада юксалди, одамларимизнинг турмуш фаровонлиги ошди, ҳаёт сифати яхшиланди. Ҳар бир ватандошимиз ҳаётида беқиёс ўзгаришлар, қувончли воқеалар рўй берди.

Биргина бизнинг вилоятимиз мисолида ҳам бу ютуқларни яққол кўриш мумкин. Вилоят иқтисодий-ижтимоий тараққиётини мустаҳкамлаш, шу орқали электротар манфаати ҳимоясини таъминлаш бўйича қатор амалий ишларни бажаришга эришдик. Ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда маҳаллий партия кенгашлари, депутатлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар ўртасидаги мустаҳкам алоқа яхши самара берди.

Айни кунда вилоятда ЎзХДПнинг 650 та бошланғич ташкилоти фаолият юритаёпти. Йил давомида аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билиминини ошириш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзи, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашга бағишланган 200 га яқин тадбир, учрашув ва давра сўхбатлари ўтказилди. Уларда депутатлар, таниқли мутахассислар қатнашди, кишиларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ўрганилди.

Бундан ташқари бевосита электротарти миз манфаатлари билан боғлиқ масала — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам куйи бўгинлар билан бирга

қатор амалий ишлар қилинди. Масалан, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш маркази» лойиҳаси самарали амалга оширилди, ёрдамга муҳтож, эҳтиёжманд кишилар қўллаб-қувватланди.

Аммо бугун давр янгилаш ишларини талаб қилаёпти. Фаолиятимизга танқидий ёндашиб ҳулоса чиқарадиган бўлсак, замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш, тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларидаги электротар манфаати билан боғлиқ масалаларни янада кўпроқ киритиш каби ишларни кучайтиришимиз талаб этилади. Янги йилда бу борадаги ҳаракатни жонлантириб, партияимиз мақсад ва ғояларини амалга оширишда бошланғич ташкилотлар иштирокини янада кенгайтиришимиз лозим. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизга янги йилда бахт ва омад тилайман!

Бўрибай БЎРОНОВ, ЎзХДП Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари.

ЯНАДА УЛКАН МАРРАЛАРГА ЭРИШИШ

ҳар биримизнинг фаол меҳнатимизга боғлиқ

Яқунланган 2012 йилда юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, бир сўз билан айтганда, аёлларни эъзозлаш, оғирини енгил қилиш борасида кўплаб хайрли ишлар қилинди.

Давлатимиз раҳбари 2013 йилда аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлиши оша-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади. Хотин-қизлар жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши учун янада қулай шароит яратилаётгани бизни беҳад мамнун этмоқда.

Партияимизнинг «Фаол аёллар» қаноти томонидан илгари сурилган қатор ташаббуслар ҳам ЎзХДП Сайловонди дастурида белгиланган хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билиминини

чан ва самарали усулларда ташкил этишга ҳаракат қилдик.

Хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билиминини ошириш, сиёсий жараёнларда фаоллигини кучайтириш бизнинг асосий вазифамиздир. Шу мақсадда қилинаётган эзгу ишлар тўғрисида партияимизга хайрихоҳ аёллар сафи кенгаймоқда. Утган йили вилоятимизда 416 нафар хотин-қиз партия аъзоллигига қабул қилинди.

Янги йилда хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш учун аввало уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш керак бўлади. Оша-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз учун зиммамиздаги вазифамиз масъулияти ва шарафини чуқур англаб олишимиз лозим.

2013 йилга режалаштирган барча эзгу ишларимиз амалга ошириб, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин!

Жамилла ШУКУРАЛИЕВА, ЎзХДП Жиззах вилояти «Фаол аёллар» қаноти бўлими етакчиси.

БОЛАЖОНЛАРНИНГ ШЎҲ ВА ШОДОН КУЛГУСИ

Ушбу майдонга кириб боришингиз билан камалакранг чироқлар, заррин безаклар билан яратилган 37 метрлик арча атрофида жўшқин куй-кўшиқлар янграётгани ҳамда қувноқ ўйинлар, театрлаштирилган томошалардан кайфиятингиз кўтарилади. Шунингдек, турли аттракционларда, аримчоғу мўъжазгина ўйингоҳларда болаларнинг шодон кулгусини кўриб, эшитиб кўнглингиз завққа тўлади. Шу билан бирга кичкинтойлар учун расталарда турли ўйинчоқлар, ширинликлар, байрам совғалари савдоси ташкил

— Биз ҳарбийлар ватанимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлашга масъулликимиз боис вақтда унумли фойдаланишга одатланганмиз, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари ҳава баъзаси техник Нейматжон Низомов.** — Узи бир неча кундан буён



этилганига гувоҳ бўласиз. Эртақмонанд безатилган майдонда фарзанди ёки неварасини байрам томошасига олиб келган, ўз ҳаётини мамнун юртдошларимизнинг айримлари билан сўхбатлашдик.

— Мустақиллик майдонидаги Янги йил тантаналарига икки йилдан бери невараларим билан келаман, — дейди **Ургут туманилик Нодира Бердиқулова.** — Боғчада тарбиячи бўлиб ишлаганимданми, ҳар доим ўғилларимникига Янги йилни кутиб олишга келганимда невараларим Темурубек ва Шохжаҳонларни шу ердаги байрам шодоналарига олиб келаман. Улар эртақ қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларини, концерт дастурларини кўриб ҳамда аттракционларда ўйнаб унутилмас таассуротлар олади. Қувонччиға сигмай ўйнаётган болалар, уларга бокиб

(Давоми. Боши 1-бетда.)



«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ШОДИЁНАЛАРИ

Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш. Меҳрибонлик, Муруват уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ва фаолиятини такомиллаштириш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

«Ўзбекистонда инклюзив таълим» лойиҳаси доирасида жисмоний имконияти чекланган болалар узлуксиз таълимга янада кенроқ жалб этилмоқда. Анъанага кўра, 2012 йилда ҳам барча биринчи синф ўқувчиларига дарсликлар, ўқув анжомларидан иборат Президент совғалари топширилди. Мактабларда таълим олаётган алоҳида эҳтиёжли оилалар фарзандларини иссиқ кийимлар билан таъминланди.

Бу йил мамлакатимизда янги-янги марта ташкил этилаётган «Президент арчаси» тантаналари янада кўтаринки ва байрамон, завқли руҳда ўтмоқда. Тадбир доирасида Меҳрибонлик, Гудаклар, Муруват уйлари, махсус мактаб-интернатлар, ихтисослашган тарбия муассасаларининг ўғил-қизлари, маҳаллалардаги боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига совғалар топширилмоқда. «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар шифоналари, ихтисослашган таълим масканларида кўплаб байрам тадбирлари ўтказилмоқда.

...«Туркистон» саройи фойе-

сига ўрнатилган арча атрофида Қорбобо, Қорқиз, эртақ қаҳрамонлари иштирокида байрам тадбирлари кичкинтойларга завқ-шавқ улашмоқда. Болалар Янги йил байрамига аталган шеърларини айтиб, жўшқин куйлайди. Тиллақош таққан қизчалар «қор парчалари» бўлиб рақсга тушади. Байрамга эстрада ижрочилари, таниқли санъаткорлар, ижодий гуруҳлар, цирк усталири ижросидаги ранг-баранг мусиқий дастурлар янада кўтаринкилик, жўшқинлик бахш этмоқда.

— Янги йил шодияналарига бағишлаб ўртоқларин билан бирга расмлар чиздик, шеър айтиб Қорбободан совға олдик, — дейди Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 24-Меҳрибонлик уй тарбияланувчиси, 11 ёшли Убайдулла Ҳасанов. — Биз, болалар учун шундай қувноқ байрамни ташкил этганлари учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Жўшқин мусиқий дастурга Янги йил учун махсус сахналаштирилган «Нурли сайёра» спектакли улашиб кетди. «Томоша» болалар театр-студияси ижрочилари иштирокида тайёрланган байрам совғаси кичкинтойлар эътиборига ҳавола этилди.

Болаларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятда бўлиб ўтмоқда.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Байрам табриги

АДАБИЁТГА, ХАЛҚИМГА ҲАЛОЛ ХИЗМАТ ҚИЛИШ БУРЧИМ!



Хусниддин ШАРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири:

— Бундан салкам олти йил олдин менинг биринчи китобим «Ниҳол» номи остида эълон қилинган эди. Мана шу ўтган давр ичида адабиётга, халқимга сидқидилдан ҳалол хизмат қилдим. Бу йўлда кўплаб машаққатларга ҳам дуч келдим. Лекин ҳаммасини меҳнат билан, ижод билан, умр йўлдошим ва фарзандларим, устозларим, дўстларим кўмағида енгиб ўтдим.

2012 йил менинг ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Муҳтарам Президентимизнинг Фармони

Назм эли сарбози кўп, мен ҳам қаторда борман, Шейрга гоҳо қўл бўлиб, гоҳо соҳиб и ашборман.

Тилмағай кўйлаб дилим, доим мадақкордир элим, Созда ҳам, парвозда ҳам халқимга жўр, ҳамкорман.

«Хорма» деб бошим силабсиз, хўп, азиз Юртбошимиз, Мехрингиз фавворасидан шод ва миннатдорман.

Жўш урар илҳом булоғи — жилавагар юртим менинг, Таърифин қоним билан ёзмокқа ҳам тайёрман.

билан «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлдим. Бу менинг зиммамга жуда катта масъулият юқлайди. Ешим саксонга етган бўлса-да кучимга куч, гайратимга гайрат қўшилди. Ватаним, мустақиллик, юрт ободлиги ҳақида янги шеърлар ёзиш ниятим бор.

2013 — «Обод турмуш йили»-да халқимизнинг турмуш фаровонлиги ва маданияти янада юксалсин. Бунинг учун ҳаммамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Қасбим бўйича ўрмончиман. Набираларимдан бири шу соҳани эгаллашни истайман. Ўзбекистон жаннатидир. Унинг ҳар бир гиёҳи, боғу бўстони, тоғлари, дарёларини, тупроғини кўзимизга тўти қилайлик. Янги йилнинг муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Баркамол авлод орзуси

УЛАР ВАТАН, ОНА, ТИНЧЛИК, МУСТАҚИЛЛИК СЎЗЛАРИНИ ЁЗА ОЛИШАДИ

2012-2013 ЎҚУВ ЙИЛИДА МАМЛАКАТИМИЗ МАҚТАБЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СИНФИГА 500 МИНГДАН Ортиқ ўғил-қизлар қабул қилинди. УЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ — 12 НОМДАГИ ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ ЖАМЛАНМАСИ БЕРИЛДИ.

Янги йил арафасида улар «Алифбе»ни тугатиб, «Ўқиш китоби»га ўтишди. Биз пойтахтимизнинг Юнусовот туманидаги 86-умумий ўрта таълим мактабидан бўлиб болалар ва ўқитувчилар билан суҳбатлашдик.

— Кўшнинг расмини чиқишни яхши кўраман, — дейди 1-синф ўқувчиси Камил Сагадова. — «Янги авлод» танловида қатнашиб иккинчи ўринни олдим. Шундан кейин менинг илк шахсий кўргазма бўлиб ўтди. Келажакда чет давлатларда расмларимни намойиш этмокчиман.

— Бир йилдан бери каратэ билан шугулланман, — дейди 1-синф ўқувчиси Демир Лаптев. — Яқинда қизил белбоғ соҳиб бўлдим. Катта бўлсам жаҳон чемпиони бўлмокчиман.

— Иккинчи сентябрда бизга Президент совғаси — сумка, китоб ва дафтарлар берил-

ди, — дейди 1-синф ўқувчиси Моҳираой Ҳамидуллаева. — Бундан ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Бугун мен Ватан, Она, Тинчлик, Мустақиллик сўзларини ёза оламан. Ўқитувчи-

миз Ольга Александровна бизга жуда ҳам меҳрибон. Келажакда мен инглиз тили фани ўқитувчиси бўлмокчиман.

— Бу йил менга топширилган синф жуда ҳам иқтидорли болалардан ташкил топган, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Ольга Кубляева. — Уларнинг турли саволларига жавоб берар эканман, ҳозирги давр болалари олдингилардан анча фарқ қилишни, қизиқишлари, фикрла-

ри тамоман ўзгачалигини ҳис қиламан. Биз бугун «Алифбе» китобини тугатдик. Кейинги чоракдан «Ўқиш китоби»ни бошлаймиз. Ишонанманки, ўқувчиларим бу китобни ҳам чуқур эгаллашади.

— Мақтабимизда ўқиш-ўқитиш ишлари ўзбек ва рус тилларида олиб борилади, — дейди мактаб директори Ирина Пак. — Ўтган йили 1-синфга 210 нафар болаларни қабул қилдик. Улар киши таътидан олдин «Алифбе» китобини тугатишди. Бу эса болалар ўқиш-ёзишни ўрганиб олди дегандир. Бунда бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда ота-оналарнинг хизмати катта. Булар Мустақиллик фарзандлари. Зехни ўткир, билим олишга ташна, интилувчан. Биз уларни нафақат яхши ўқишлари, балки яхши инсон бўлиб вояга етишлари учун ҳаракат қилаймиз.

Мен мактабимиз жамоаси номидан бағрикенг Ўзбекистон халқини қириб келаётган янги — 2013 йил билан табриқлайман.

Темур Абъзам, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Шавкат АҚРАМОВ олган сурат.

Ҳар бир гўдак — мўъжиза!



Муродбек ЗИЕ олган сурат.

Янги йилни янги фарзанд билан кутиб олиш

хонадонга ўзгача шукў бахш этади, файзу барака келтиради

Дарҳақиқат, оилада фарзанднинг дунёга келиши ота-она ҳаётини энг қувончли воқеа. Янги йил арафасида ёки Янги йил оқшомида фарзанд кўриш эса янада қувончли, байрам устига байрам бўлади.

— Тугруқхонамизда жорий йил давомида 4950 нафар бола дунё юзини кўрди. Улардан 2618 нафари ўғил, 2380 нафари қиз бола ҳисобланади, — дейди Тошкент шаҳар 6-сонли тугруқхона мажмуаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Салоҳиддин МУМИНОВ. — Улардан эгизлар сон 44 тани, учта туғилганлар сон 2 тани ташкил этди.

Мана шу кеча-кундузда, яъни 30 декабрь кеч соат 24:00 дан бошлаб, бугун — 31 декабрь соат 18:00 гача 11 нафар чақалоқ дунёга келди. Улардан 8 таси қиз, 3 таси ўғил бола. Гўдақларимизнинг барчаси соғлом, оналари ҳам ўзларини яхши ҳис этишмокда. Бугун Янги йил оқшомида яна, Худо хоҳласа, 8 нафарга яқин чақалоқ туғилиши кутилмокда.

Илоҳим, дунёга келган ҳар бир фарзандни умри ва бахти билан берган бўлсин.

Тоштемир МУРОД

Интернет-табрик

БИЗ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Даврон ТЎХТАБОЕВ, Ҳиндистон: — Ҳинд-ўзбек маданий алоқалар дастури бўйича грант билан Ҳиндистоннинг Карнатака штатидаги Майсур университетиде тижорат-савдо йўналиши бўйича таҳсил оламан.

Ниҳоятда етаётган 2012 йил мен учун мазмунли ўтди. Ўқишда ҳам бир қанча муваффақиятларга эришдим. 1-семестрни аъло баҳолар билан тугатдим. Университетимизда ўтказилган фан мусобақасида фахрли 2-ўринни эгалладим. Турли халқаро семинарларда широк этиб, сертификатлар билан тақдирландим.

Сентябрь ойида ўтказилган Халқаро Дасара фестивалида қатнашиб, ўн мингдан ортиқ томошабинларга ўзбек милли ва маданияти ҳақида маъруза қилдим. Ўшанда Бобурийлар салтанатининг Ҳиндистон маданияти ва давлатчилиги



ривождаги ўрни бекиёслиги ва бу сулоланинг келиб чиқиши айтиб дамда Ўзбекистон деб аталмиш юрта бориб тақалиши ҳақидаги тақдиримиз ҳаммага маълум келди.

Ватанимиздан узоқда бўлишимизга қарамай, юртимизда ўтказилган барча умумхалқ байрамларини шу ердаги

Севара АБДУСАЛОМОВА, Хитой:

— Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлагач, Хитой Халқ Республикасининг Гансу провинциясидаги Ланзхоу университети магистратурасига қабул қилиндим. Мен бу даргоҳда халқаро алоқалар йўналиши бўйича таҳсил олялман. Бугунги кунда мустақкам халқаро алоқалар ўрнатилган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Келажакда бу ерда ўрганаётган назарий билимларимни амалиётда қўлламокчиман.

Хитой ўзининг бой маданияти ва қадим тарихига эга эканлиги билан ҳар қандай



одамнинг эътиборини тортади. Улар худди биз каби самимий, болажон халқ. Умуман олганда Шарқ маданияти бир-бирига яқинлиги билан бошқалардан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўтган 2012 йил мен учун омадларга бой бўлди. Ўқишга қабул қилиндим, кўплаб дўстлар орттирдим. Уларга Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, қадимий шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

Мен халқимизни Янги йил билан чин юракдан табриқлайман. Хонадонларига файз-барака тилайман.

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ тайёрлади.

Тадбир



БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ — ЮРТ ҚУВОНЧИ

Республика Ички ишлар вазирлигининг пойтахтимиздаги Маданият саройида хизмат вазифининг бажарётган вақтда ҳалок бўлган оқшомидаги болаларнинг оилалари ҳамда уларнинг фарзандлари учун Янги йил байрами тадбири ташкил этилди. Унда эртақ қаҳрамонлар билан қизиқарли учрашувлар уюштирилди ва театрлаштирилган томошалар кўрсатилди.

— Бундай маърифий-тарбиявий тадбирларимиз жуда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Маданият саройи бошлиғи вазифининг бажарувчиси, подполковник Бернара СОДИКОВА. — Чунки бу болалар Ватан оқшомидаги учун жонини фидо қилган сафдошларимизнинг фарзандлари. Бу болаларнинг томирида ватанпарварлик қони оқаяпти. Биз шундай маърифий тадбирлар орқали уларнинг оталари каби мард ва ватанпарвар бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшамиз. Вазирлигимиз томонидан бундай оилалар ҳолидан нафақат байрам кунларида, бошқа кунларда ҳам хабар олиниб, моддий-маънавий жиҳатдан кўмак бериб борилади. Пойтахтимизда ўтаётган бундай тадбирлар Янги йил таътили кунлари вилоятларимизда ҳам ташкил этилади.

Тадбирда болаларга байрам дастурхони ёзилиб, эсдалик совғалари ҳам топширилди.

Альбина ЖУМАНОВА

ФУТБОЛ — МЕНИНГ ҲАЁТИМ, ФУТБОЛ — МЕН УЧУН БАЙРАМ

дейди «Андижон» футбол жамоаси ишқибозлар клуби раҳбари Нодирбек ТҮЙЧИЕВ

Яқинда футболнинг ашаддий ишқибози билан суҳбатлашиб қолдик. У киши терма жамоаларимизнинг 2012 йилдаги муваффақиятли юришларини таҳлил қилиб, муҳлислик маданияти ҳақида фикр юритди. «Ўйинлар пайтида бошига катта дўппи кийиб ўтирадиган йилгит ҳақиқий ватанпарвар экан», — деди.

— Нодирбек, кўпчилик сизни 2009 йилги ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати баҳсларида катта дўппи кийиб олиб, ишқибозлик қилган вақтингиздан танишадим. Бу дўппининг яратилиш тарихи

қандай бўлган?

— Чет давлатлардаги футбол учрашувларини кўп кузатаман. Улар ўзларининг миллий кийимларини кийиб стадионга келишади. Мен ҳам ҳаммага қўрсатса бўладиган, кўз-кўз қилишга арзийдиган дўппимиз-

нинг катта шаклини яратилиши ўйладим. Холам дўппи тикади. У кишига ниятими айтдим. Шу тақдирда машур дўппи пайдо бўлди. Уни биринчи бор Мисрда кийганман. Худо хоҳласа, бундан ҳам зўр режаларим бор. Ўзбекистон миллий тер-

ма жамоаси жаҳон чемпионатига чиқса амалга оширмокчиман.

— Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатига чиқиш имкониятини қандай баҳолайсиз?

— Тўғриси, илгари ҳеч қачон бунақа имконият бўлмаганди. Биз терма жамоамиз халқаро мусобақаларда қатнаша бошлаган илк даврлардан бошлаб кузатиб келамиз. Бирор марта жаҳон чемпионатига чиқиш йўлида йўланмага бу даражада яқин келмагандик. Ишонанманки, футболчиларимиз ўзларига билдирганиб ишончини оқлашади. Биз ишқибозлар эса



уларни қўлдан келганича қўллаб-қувватлаймиз.

— Келажакдаги орзуларингиз?

— Аввало юртдошларимизни янги 2013 йил билан табриқлайман. Мақсадлар ҳақида

гапирадиган бўлсам, Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатига чиқсин. Биз ҳам Бразилияга бориб жаҳон ахлига ўзбекна ишқибозлик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяйлик. (Ўз муҳбиримиз).

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАНРИР НАУ'АТИ:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146 17857 Nashr ko'rstikichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 15.45 Topshirilgan vaqti — 18.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5